

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Уктамова Умида Сунатуллаевна,

Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация: Мақолада зўравонлик ва унинг мазмун мохияти, зўравонлик қонун хужжатлари, оилавий зўравонлик ва унинг келиб чиқиш сабаблари, зўравонлик оқибатлари, оилавий зўравонликни олдини олиш масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Оилавий зўравонлик, жисмоний, руҳий, жинсий, молиявий зўравонлик қўрсатиш, ҳақоратлаш, камситиш, адолатсизлик, тажовузкор, ишончсизлик, жонига қасд қилиш ҳулқи, ўз – ўзини вайрон қилиш, айибдорлик ҳисси, норозилик.

ПРИЧИНЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ НАСИЛИЯ В СЕМЬЕ

Аннотация: В статье рассказывается о характере насилия и его содержании, законодательстве о насилии, бытовом насилии и его причинах, последствиях насилия, профилактике бытового насилия.

Ключевые слова: Домашнее насилие, физическое, психическое, сексуальное, финансовое насилие, оскорблении, дискриминация, несправедливость, агрессия, недоверие, суицидальное поведение, самоуничтожение, вина, обида.

CAUSES OF THE ORIGIN OF FAMILY VIOLENCE

Annotation: the article highlights the issues of violence and its content, acts of violence, family violence and the causes of its occurrence, the consequences of violence, prevention of family violence.

Key words: family violence, physical, mental, sexual, financial violence display, insult, discrimination, injustice, aggressor, insecurity, suicidal behavior, self – destruction, sense of guilt, discontent.

Бугунги кунда мамлакатимизда Хотин – қизларга бўлган хурмат – эътибор жуда юқори даражада бўлиб, уларга етарли шарт–шароитлар яратиб берилмоқда. Жумладан, муҳтарам юртбошимиз Ш.Мирзиеёв томонидан хотин – қизларга бўлган эътибор, чиқарилаётган қарор ва фармонларда кўришимиз мумкин. Бунда хотин – қизларни билимли ва саводли қилиш, иш ўринларини яратиб бериш, касб-хунарга йўналтириш муҳим ишлар ҳисобланади. Хусусан, жорий йилда Президентимиз Олий Мажлисга мурожаатномасида қизларни ўқимишли ва саводли қилишга алоҳида тўхталиб ўтди ҳамда талаба қизларга алоҳида грант ўринлари ташкил қилишни айтиб ўтди.

Сўнгги йилларда жамиятимизда хотин – қизларни ўрни ва ролини янада ошириш, уларга қулай шарт – шароитлар яратиш билан бирга турли таҳдидлар, жумладан, “Одам савдоси” қурбони бўлиш, оиласда, жамиятда зўравонликка учрашига барҳам бериш борасида ҳам самарали ишлар бажариб келинмоқда. Бу борада, 2019 – йилнинг 2 –сентябрь куни “Хотин қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ги қарори ва “Хотин- қизларни зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди. Хотин – қизларга яратилаётган шарт – шароитлар, уларнинг оиласдаги ва жамиятдаги ролини, мавқийини янада оширишга йўналтирилган кўплаб ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда, уларда ишлатилаётган турли таҳдидлар, зўравонликлар ҳақида ҳаётий мисоллар ҳам афсуски, анчагина. Шу боисдан ҳам балоғат ёшига етган қизларни таълим муассасаларида таҳсил олаётган давридан бошлаб оиласвий ҳаётга психологик, жисмоний ва тиббий жиҳатдан тайёрлашни йўлга қўйиш муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Оиласдаги зўравонликка қарши кураш бўйича қонунлар ва ҳуқуқий хужжатларни бундан буён ҳам ҳаётга самарали тадбиқ қилиш учун айни пайтда Ўзбекистонда ҳам, умуман олганда, минтақада ҳам тегишли тадқиқотлар етишмайди. Бундан ташқари, Ўзбекистондаги тазийиқ ва

зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус марказлар воситачилар сифатида эмас, мустақил ташкилотлар сифатида эмас, мустақил ташкилотлар сифатида ривожланиш зарур.

Миллий қонунчиликда хотин – қизларга нисбатан зўравонликни кўрсатиб берувчи алоҳида қоида йўқ. Умумий тартибда, Жиноят кодексида турли даражалари санаб ўтилган. (Жиноят кодекси 92 – 112 моддалар).

Оилавий мажораларни ҳал этиш, уларда зўравонлик аломатлари қай даражада бўлишидан қатъий назар, одатда, маҳалларидаги ўзини-ўзи бошқариш органларига ҳавола этилади.

Оилада зўравонлик тушунчаси ўзбек тилига ҳуқуқий истилоҳ сифатида энди кириб келаётган янги атама ҳисобланади. Аммо муаммонинг ўзи халқимизга қадимдан таниш десак хато бўлмайди. У партиархал тушунча асосида жамият ҳаётига ва айрим инсонлар онгига чуқур сингиб кетган яширин иллатлардан биридир. Эркакларнинг аёллардан устун экани ҳақидаги носоғлом тушунча асосига қурилган нуқтаи назарга кўра, хотин киши ҳар доим ўзини эридан паст кўриш керак ҳамда эр кишининг сўзини икки қилмай, урса ҳам, сўкса ҳам, жим бош эгиб ўтириши керак. Бундай қараш ҳатто айримларнинг ҳаёт ақидасига айланган.

Зўравонлик нима? - бу эр – хотин ёки бошқа яқин муносабатдаги кишилардан бирининг иккинчисига нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки молиявий зўравонлик кўрсатишидир. Одатда эрнинг хотинини уруши, руҳий камситиши, унинг насл – наسابини оилавий шароити ёки ота – онаси ёки қариндошлари қилган ишлар туфайли айблаб ҳақоратлаши, эрининг хотинини жинсий зўрлаши, жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усуллар орқали қондиришга мажбурлаши ёки жинсий камситиши (физиологик ҳолатини ҳақоратлаши, камситиши, жинсий алоқада бўлмаслик, ўзга аёллар билан юриши), молиявий жихатдан чеклаш, пул бермаслик, аёлнинг ўқишига ёки ишлашига қаршилик кўрсатиш ва ҳакоза.

Бир сўз билан айтганда кўпчилик ҳолатларда оиладаги зўравонлик оиласдан ташқарига чиқмайди.

Ўзбек оиласарда одатда кўп аъзолик, яъни нафақат эр ва хотин, балки уларнинг қариндошлари ҳам муносабатлар занжирида муҳим роль ўйнайди. Қайнона, қайнота ва бошқа қариндошларнинг оиладаги келинга зулм қилиниши, унинг сўзсиз бўйсунишини, ҳеч қандай имтиёзлар талаб қилмаслигини исташи, ёки ота – онанинг фарзандига яъни ўғлига келинни ёмон отлик қилиб кўрсатишиб босим ўтказиш каби ҳолатлар кузатилади. Шундан келиб чиқкан ҳолда талаба қизлар орасида мънавий – аҳлоқий дунёқарашни янада соғломлаштириш ҳамда уларнинг никоҳ – оила муносабатлари ҳақидаги билимларини бойитиш мақсадида турли тадбирлар, семинарлар олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Оилали талаба қизлар ҳаётида турлича қийинчиликлар учраб туради. Бундай қийинчиликлар уларга нисбатан куплаб тазиқ ва тажовузларни келтириб чикаради. Бизнинг мамлакатимизда майший ёки “уй зўравонлиги”га кўпинча бир оила муаммоси сифатида қаралган. Одамлар бундай муаммоларни уйдан ташқарига олиб чиқмасликка ҳаракат қилишади. Аксарият ҳолатларда зўравонлик қурбони шармандалик ва турли гап-сўзлардан қўрқиб, жим юришга мажбур бўлади. Бундай вазиятда қолган аёллар ёки талаба келинларнинг индамаслигига бир неча сабаб бўлади. Кимлардир молиявий ёрдамсиз қолишдан қўрқса, бошқалари фарзандлари ва ўз ҳаёти учун хафсирайди. Зўравонлик қурбони бўлган аёл ҳар томонлама қийин ҳолатда қолади. Айниқса, ҳатто энг яқин инсонлари ҳам бу муаммони ҳал қилишдан ўзини олиб қочади. Охир – оқибат бу доимий қўрқув, депрессия, ўз жонига қасд қилиш кабилар билан тугайди.

Оилавий зўравонлик сабаблари нимада?

Ўзбекистон шароитида оилавий зўравонликни характерловчи қуйидаги асосий хусусиятлар фарқланади:

а) зўравоннинг жисмонан кучлилиги (кўпинча эркакнинг аёлга, ота – онанинг фарзандга нисбатан зўравонлиги);

Оилали талаба қизларнинг аксирият ҳолларида турмуш ўртоғи томонидан ўтказиладиган тазиққа учрашга сабаб бўлишади. Бунга сабаб

қилиб, биринчи ўринда рашқ қилишидадир. Уларнинг олий таълим даргоҳида таҳсил олишида аёлининг ёки келиннинг айрим ҳатти харакатларини ёқмаслигидадир. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, бевақт телефондаги сухбати, дугоналари билан гап – сўзларга бориши, ўқишидан кеч қайтишлари ва хакозалардир. Бундай ҳатти харакатларнинг ёқмаслиги оқибатида оиласвий зиддиятлар келиб чиқади. Оқибатида турмуш ўртоғидан тажовузга учраб ўқишни давом эттира олмасдан фанларни ўзлаштиромай гуруҳдошларидан орқада қолиб кетади. Ўртада оиладаги зиддият кучайиб бориб фарзандларнинг ота-онаси томонидан зўравонликка учрашади. Аксирият ота - оналар зиддиятининг бор аламини фарзандлардан олиниши ҳам кўзда тутилган. Яъни бундай жанжаллардан болалар кўпроқ азият кўришадилар. Зўравонликнинг гувоҳи бўлган ёки зўравонликнинг бошидан ўтказган фарзандлар зўравонлик қурбони бўлишиб келажакда ўзлари уни содир этишга ҳаракат қиласдилар.

б) зўравонликнинг бир шахсга нисбатан кўпчилик бўлиб содир этилиши (учунчи шахсларнинг аралашуви);

Оилали талаба қизларнинг тазиикқа учрашида учинчи шахснинг аралашуви юзасидан ҳар хил тўсиқларга учрайдилар. Зўравонлик турига дуч келадиган ҳаётий жабҳалар, яъни уларнинг иш жойида, кўча – кўйда, дўконларда, бозорда, маҳаллада, оиласда, шунингдек қариндош – уруғлари томонидан зўравонликка учраши ҳоллари ўрганилди. Зўравонликни факат жисмоний калтаклаш, жароҳат етказишлардан иборат бўлиб эмас, зўрлик-зўравонлик ҳолатлари инсоннинг руҳий аҳволига хавф солади. Мисол қилиб, оилали талаба қизларнинг оила аъзоларидан қайнонаси, қайнотаси, қайнисингилиси, қайниукаси томонидан келинойисига қилинадигон зуғмини айтадигон бўсак оддийгина кийимларини тозалатиш ҳамда дазмол бостиришни буюради. Буйруқ ўз вақтида бўлмаса акасига ёки ўғлига мурожаат қилиб тазиикқава оғир вазиятларга ҳам дучор қилишади.

в) жабрланган шахснинг муаммо билан ёлғиз қолиши (хуқуқий саводсизлик, ижтимоий ёлғизлик);

Жабрланган оилали талаба қизлар ўз муаммоси билан ёлғиз қолиб, қаерга мурожаат қилишини билма й ўзи ёлғиз қолади. Жабрланган оилали талаба қизларимиз ёлғиз қолишига сабаб, унга ўз ота-онаси ёки опа – акалари томонидан ёрдам қўли чузилмаганидан бўлади. Мисол қилиб айтадиган бўлсақ, талаба келиннинг ота-онаси ёки опа – акалари унинг оиласига аралишишни андиша қилишади. Урф – одатларимизга назар ташлайдиган бўлсақ “Чиққан қиз чифриқдан нари” деган мақолга амалга қилган ҳолда унинг оиласига бориб аралашишмайди. Оқибатда келиннинг муаммосини ва дарду ҳасратини эшитиб ҳал қилиб беришда ўзларини чеккага олишади. Ижтимоий ёлғизлик гирдобида қолиб, ўз муаммоларига ечим тополмай дипрессия ҳолатига тушиб қолади. Шундан сўнг олий таълимда тахсил олишини давом эттира олмай саводсизликка учрайди.

г) жабрланган шахсга ҳуқуқий, психологик тиббий ёрдам бериш механизмининг заифлиги;

Жабрланган оилали талаба қизларимиз жамиятдаги ҳуқуқий ҳолатини ошириш ва ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида аёллар ҳуқуқлари соҳасидаги ҳалқаро андозалардан хабардорлик даражасини ошириш лозим. Бундай саводсизликдан оилали талаба қизларимиз ўз ҳуқуқлари, уйдаги зўравонликлар олдини олишнинг ҳуқуқий механизмларини етарлича билишмайди. Мисол қилиб, оилали талаба қизларимиз олий ўқув юртининг Хотин – қизлар уюшмаси раисасига, олий ўқув юрти психологига, олий ўқув юртида Ибн Сино тиббиёт марказига ҳамда олий ўқув юрти ҳуқуқшуносига мурожаат қилишни билишмайди. Бунга сабаб уларнинг маънавий ва маданий саводсизлигидир.

д) сабаблар эмас, вазиятлар билан шуғулланиш (вақтингчалик яраштириб қўйиш, муаммони локал ҳал қилиш, туб сабабларни ўрганмаслик).[1]

Хотин – қизларга, оилали талаба қизларимизга нисбатан содир этиладиган зўравонликни тугатиш оддий муаммо эмас. Унинг ечимини кўплаб омиллар сабаб қилиб келтирилган, шу жумладан жамиятнинг ижтимоий иқтисодий ривожлантирилиши унинг умумий маданияти савияси,

хотин- қизларнинг саводхонлигини ошириш даражаси бошқаларга боғлик. Оиладаги зиддиятларни ва тазийкларни ўрганиш мақсадида маҳалла,ички ишлар, психологлар билан биргаликда хар хил оиласвий муоммоли сабаблар, вақтинчалик яраштириб қўйиш, муоммони локал ҳал қилиш ва уни туб сабабларини ўрганишда муоммога ечим топишда бирдек маъсулдир.

Сабаб ва оқибат — нарса ва ҳодисалар ўртасидаги умумий зарурий алоқани ифодаловчи тушунчалар. Ҳодисалар занжирида ўзидан бошқа яна бир ҳодисани келтириб чиқарадигани сабаб, пайдо бўлган ҳодиса эса оқибат дейилади. Сабаб ва оқибат ўртасидаги алоқадорлик сабабият саналади. Сабаб, биринчидан, вақт жиҳатдан оқибатдан олдин келади, иккинчидан, оқибатни туғдирувчи, яъни оқибатнинг вужудга келишида зарурий шарт бўлиб хизмат қилади. Масалан, фарзанднинг сабабчисиота-она. Фарзанд ота-онадан илгари дунёга келиши мумкин эмас, яъни ота-она шу фарзанднинг вужудга келишидаги зарурий шарт ҳисобланади. Сабаблар турли кўринишда шакл ва ҳолатларда намоён бўлиши мумкин. Сабабнинг асосий ва асосий бўлмаган, ташки ва ички, объектив ва субъектив шакллари бор. Сабаб оқибатни вужудга келтирганидек, оқибат ҳам сабабга таъсир кўрсатиши мумкин. Сабаб ва оқибат алоқадорлиги бўйича Аристотел, Форобий, Ибн Синолар махсусасарлар ёзишган. Диний таълимотларда эса, бирламчи сабаб ёки ҳамма нарсанинг сабабчиси худо дебтаъкидланади. [1]

Вазият- бирор нарсанинг фазода эгаллаб турган ҳолати (бошқа нарсаларга нисбатан) вазиятни аниқлаш, кишининг ташки кўриниши, руҳий ва бошқа жиҳатдаги ҳолати, қиёфа, авзо. Ҳар хил вазият ва турли кайфиятдаги ўтирган кишиларнинг сон – саноғи йўқлиги. Тутган ўрни, мавқеи, нуфузли одамлар устидан хусусий мулк хукмрон бўлган кишининг жамиятдаги вазияти, салмоғи, ҳуқуки, обруси унинг мулки билан улчанадиган бир замонда инсон боласи ота-онасидан бемаҳал ажралар экан, унга бундан оғир кулфат йўқ. Вазиятлар ҳар хил ҳолатда учрайди. Жамиятдаги, ҳаётдаги шаорит, ҳолат. Оғир вазият, жиддий вазият, сиёсий вазият ҳамда ҳалқаро вазиятлардан иборат. [2]

е) Оила тушунчаси таърифнинг тўлақонли эмаслиги

Оила – кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, жамиятнинг кичик хужайраси, ижтимоий – маданий организми.

Оила кишиларнинг ҳаётий табиий – биологик (жинсий муносабатлар, уй – рўзгорни бошқариш), ҳуқуқий (масалан, никоҳни фуқаролик ҳолатини қайд этиш), маънавий (эр хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги севги, меҳр – муҳаббат туйғусини ва шу кабилар) муносабатларга асосланган бирлик.[3]

Оила – эр – хотин, уларнинг болалари энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуудир. Шу билан бирга, у рафиқа, хотин маъноларини ҳам англатади. Умуман олганда оила – никоҳга ёки туғишганликка асосланган кичик гурӯх. Одатда оиланинг вужудга келишига никоҳ асос бўлади, шунинг учун оилада болалар туғилмаган бўлса ҳам никоҳ муносабатининг ўзи оилани ташкил этади. Оилада эр – хотин билан бирга фарзанднинг ҳам бўлиши типик оилани вужудга келтиради.[4]

Оила ижтимоий ташкилот сифатида жамиятга унинг негизлари, турмуш тарзининг қарор топишига чукур таъсир кўрсатади, чунки булғуси шахс айнан шу оилада камол топади, дунёқарашга оид асослари, руҳий – маънавий фазилатлари шакллантирилади. Оиладаги маънавий иқлим, эр – хотиннинг бир бирига ўзаро илиқ муносабати, тенглиги, бир бирини яхши тушунишидан ташкил топади. Аксарият ҳолларда эркакларнинг аёллар устидан хукмронлиги оилавий муносабатларини издан чиқишига олиб келади. Бизнинг урф – одатларимизда эркаклар оила устуни деб қаралган. Айрим эркаклар эса оила тушунчасини тулақонли тушунишмайди. Мисол қилиб бир оилани оладиган бўлсак, у оиланинг фарзанди йўқ. Бунда эркак фарзанди йўқлигини фақат хотини юзига солиб уни ҳар доим ранжитиб келади. Эркак томонидан бу муаммога ечим топишни ўрнига фақат оилада зиддият келтириб чиқаради. Кейинчалик бу оилага дарз кетади.

ё) Конунни амалга оширишда идоралараро мувофиқликнинг йўқлиги ва маблағ етишмаслиги

Оилали талаба қизларимизни ўз ҳукуқларини камситилиши ҳаётда ва ижтимоий турмуш фаолиятида кўплаб дуч келишади. Оилада қиз боланинг ўқиши, ўқув юрти ёки ўқув муассасасининг битириши ҳамда ижтимоий ҳаётда қатнашишини таъкиқлаш, кийиниш яъни мода талабларига амал қилишини ман этиш, талаба қизларнинг ҳомиладорлиги сабабли ўқишга кела олмаслиги ва кўп болали бўлганлигидан ишга, ўқишга қабул қилинмаслигига оила томонидан рухсат йўклиги, аёл билан эркакнинг касбий қобилиятибилимдонлик даражалари баравар бўлгани ҳолда аёлни эмас, эркакни юқори поғонага кўтариш каби ҳолларнинг ҳаммасида оилали талаба қизларимизнинг инсоний ҳукуқларига путур етказилган бўлади. Талаба келинларнинг яъни аёлларнинг фаол бўлмаганлиги натижасида ҳамма муаммолар оила аъзолари яъни турмуш ўртоғи, қайноаси томонидан ҳал қилинади. Уйдаги зўравонлик оддийгина жанжал – оиланинг ички ишлари деб қабул қилинади. Уйидаги зўравонлик ва зиддиятлар тўғрисида ҳукуқни ҳимоя қилувчи идораларга жуда кам мурожаат қилишади, сабаби атроф муҳитнинг салбий фикрларидан ва гап – сўзларидан тортинишади. Турмуш ўртоғидан ажралган аёл яна оила қуриб яхши ҳаёт кечиришга кўзи етмай боласини етим қолишидан қўрқиши. Айрим хотин – қизларимизни болаларига дори дармонларга маблағ етишмаслик масалалари ташвишга солади. Айримлари эса ортиқча гап- сўз чиқиши, оиласи, эри, фарзандлари ва ота – онаси шаънига доғ тушишини ўйлаб, кўп нарсани ичига ютиб яшашади. Шу билан биргаликда оиладаги зўравонликка барҳам беришда эркакларни ҳам бирдек жалб этиш зарур, айни вақтда давлат тизимлари, ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари, маҳаллалар ва бошқалар билан биргаликда харакат қилишлари ва энг долзарб муаммоларини ҳал этишда бирдек маъсул бўлишлари зарур.

ж) Турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ва бошқа жойларда хотин – қизларга бўлган ҳурматнинг етишмаслиги[5]

Кўплаб хотин – қизлар ва оилали талаба қизларимиз уй –рўзғор ишларини бажаришади, ҳам ишхонасидаги, олий ўқув юртдаги ўқишларини

давом эттиришади ва буларнинг устига оиладаги иқтисодий аҳволни меъёрида тутиб туриши учун ҳар хил қўшимча ишларга ўзларини ўришади ёки уйда турли пишириқлар тайёрлаб, кийим кечак тикиб рузғор ишлари билан бир қаторда фарзанд тарбияси билан банд бўлишади. Оилали талаба қизларимизга нисбатан турмушдаги камситилиши яъни ҳурматнинг етишмаслигини мисол қилиб турмуш ўртоғи ёки қайнона ва келиннинг ўртасидаги зўравонликни олсак. Кўп ҳолларда келиннинг стипендияси ёки маошини тортиб олиб қўйишади. Бир талаба келинимизнинг қайнонаси унинг стипендиясини бутунлай олиб қўйиши, фақат йўл ҳаражатлари учунгина пул ажратилишини, ҳаттоқи тушлик қилгани ҳам пули қолмаслигини айтиб олий ўқув юрти психологига мурожаат қиласди. Бундай ҳол жонига тегиб кетганлигини ва ўзини сал бўлсада ҳимоя қилиш учун қайнонасидан кўпроқ пул ажратишини илтимос қиласди. Бу қайнонага ёқмайди. Қайнона эса ўғлига шикоят қиласди. Турмуш ўртоғи ва қайнона келинининг ҳомиладорлигини била туриб уни ҳурлаб камситилишади. Талаба келин эса нафақат иқтисодий шу билан бирга психо – эмоционал зўравонликка учрайди. Унга тегишлича олий ўқув юрти психологи томонидан тегишлича психологик далда берилди. Бундай камситилишлар худди шундай иш жойларида ҳам тахсил олаётган муассасаларида ва бошқа жойларда ҳам бўлиб туради. Бундай тазиик ва камситилишларни аёлларимиз ёки талаба келинларимиз нақадар жиддийлигини англаган ҳолда ва бу муаммоларга ечим топиш мақсадида уни яшириб беркитиш эмас, балки, аксинча у ҳақида баралла сўз юритиб керакли жойларга мурожаат қилишлари лозим. Шундагина оиладами, иш жойидами, бошқа жойдами, барибир аёл киши ҳар доим ҳурматда яъни муҳофаза остида бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирда мактаб ва олий ўқув юртларида оила ҳақида алоҳида фан йўқ. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, мактабларда умуман оила фани ўтилмайди. Олий ўқув юрларини оладиган бўлсак мутахассислик йўналишдан ташқари яъни Педагогика – психология йўналишидан ташқари бошқа йўналишларда оила ҳақида фан умуман

ўтилмайди. Бизнинг фикримизча ҳар бир йўналишда оила ҳақида фан ўтилганда эди, оиладаги тарбиявий вазифаларини, оила қуришга тайёрми ёки йўқми, оилавий низо турлари, ота-она ва фарзанд ўртасидаги вазифаларини, оила турларини кенг кўламда талабаларимиз ўзлаштиришган бўлар эди. Афсуки, айрим талабаларимиз оила ҳақида чуқурроқ билимга эга эмас. Олий ўқув юритида барча талабаларга ва барча йўналишларга фақат биттагина фан сифатида Оила психологияси фани ўтилганда эди, талабалар оилага бўлган салбий ва ижобий қарашлари озгина бўлса ҳам ўзгарар эди.

Оила психологияси фани – оила ва оила муаммоларини ҳамда оилавий муаммоларини коррекция қилиш методларини ўрганувчи фандир. Оила психологияси предметининг мақсади ўқувчиларда оилавий муносабатлар психологияси соҳаси бўйича билимларни шакллантириш, уларда оила ва унинг аъзолари билан ишлаш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, оила – никоҳ муносабатларини бошқариш ва тузилишига таъсир этувчи детерменантларни ўрганиш, оилада эр-хотин, ота – она ва болалар ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги муаммони таҳлил қилиш қобилиятини шакллантириш, оила билан ишлашда ҳозирги замон методикаларидан таништириш, оилада вазиятларни ҳал қилиш ва мулоқот маданиятларини эгаллаш, тўлиқ бўлмаган ва аралаш оилаларда бола – хулқ –атворини ва ривожланишининг ижтимоий психологик хусусиятларини ўргатадиган фан ҳисобланади.[6]

Олий даргоҳларда ўқийдиган талаба қизларимизнинг ҳаммаси ҳам айнан бир ёшда эмас, тенгқур бўлишмайди яъни турли ёшда бўлишади. Уларнинг орасида оилали, кўп фарзандли талаба қизлар, эндинга турмуш қурган ёш келинлар бор. Уларнинг рухияти аксарият ҳолларда тушкун бўлишади. Бунинг сабаби битта у ҳам бўлса улар тажаввуз ва зўравонлик қуршовида бўлишади. Биз уларга бунда вазиятларга тушиб қолмаслик йўлларини ўргатиш орқали оиласини сақлаб қолишга ўргатиб борамиз. Шунинг учун талаба қизларимизнинг оилага нечоғлик тайёrlигини билиш,

вақти келганды ёрдам бериш ва оиласа тайёрлашда биз педагоглар ҳам бирдек маъсулмиз.

Адабиётлар рўйхати

1. ЎзМЭ. Биринчи жилд. Тошкент, 2000-йил
2. Ўзбек тилининг Изоҳли луғати. Биринчи жилди. Тошкент. 2006 йил
3. Ж.Ҳасанбоев., X.Тўрақулов, М.Ҳайдаров. Педагогика фанидан изоҳли луғат. (Қайта ишланган нашри) Тошкент. 2009 йил
4. F.Шоумаров., З.Расулова. Оила энциклопедияси. Тошкент. 2016 йил
5. Оилавий зўравонлик – жамият дарди. 01.08.2018 Манба: даракчи.uz
6. F.Шоумаров., З.Расулова. Оила энциклопедияси. Тошкент. 2016 йил